



ЎЗБЕКИСТОННИНГ АГРАР СОҲАСИ МУТАХАССИСЛАРНИ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ИЖТИМОИЙ ИСЛОҲОТЛАРИ

Султанов Елимбет Калимбетович

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти
“Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш” кафедраси доценти, техника
фенлари номзоди

Аннотация: Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорларида аграр соҳаси олий таълим муассасалари таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириши концепцияси тасдиқланганлиги ва унда бажарилиши талаб этиладиган масалалар ҳақида маълумотлар берилган.

Таълим тизимини ривожлантиришда, мамлакатимизда олиб борилаётган инновацион жараёнлар ва уларни амалга оширишда аграр соҳаси олий таълим муассасалари таълим тизимида олиб борилаётган исҳатлар ва таълимга инновацион ёндашув асосида бўлажак аграр соҳаси мутахассисларининг рақобатбардошлигини ошириш, инновацион фаолиятини ривожлантириш орқали таълим жараёнини сифатини таъминлаш кўрсатилган.

Калит сўзлар: Инновация, компетенция, таълим тизими, тадқиқот, ахборот ресурслари, мустақил таълим, узлуксиз таълим, педагогик технология, илғор тажриба.

Аннотация: В данной статье представлена информация об утверждении в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан Концепции развития системы образования высших учебных заведений аграрного сектора до 2030 года и вопросы, которые необходимо в ней выполнить.

В развитии системы образования реализуемые в нашей стране инновационные процессы и их внедрение в образовательную систему высших учебных заведений аграрного сектора, основанные на инновационном подходе к образованию и повышении конкурентоспособности будущих специалистов в аграрном секторе показано обеспечение качества образовательного процесса за счет развития инновационной деятельности.

Ключевые слова: инновации, компетентность, образовательная система, исследования, информационные ресурсы, самостоятельное образование, непрерывное образование, педагогические технологии, передовой опыт.

Abstract: This article provides information on the approval in Decrees and Resolutions of the President of the Republic of Uzbekistan of the Concept for the development of the education system of higher educational institutions in the agricultural sector until 2030 and the issues that need to be completed in it.

In the development of the education system, innovative processes implemented in our country and their introduction into the educational system of higher educational institutions of the agricultural sector, based on an innovative approach to education and



increasing the competitiveness of future specialists in the agricultural sector, it is shown to ensure the quality of the educational process through the development of innovative activities.

Key words: *innovations, competence, educational system, research, information resources, independent education, continuous education, pedagogical technologies, best practices*

Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожи илм-фан тараққиёти билан бевосита боғлиқ. Жуда қисқа тарихий даврда Ўзбекистонда узлуксиз таълимнинг янги тизими яратилди, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни аттестация қилиш тартиби такомиллаштирилиб, илм-фаннынг роли ва мавқеи оширилди.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда янги тарихий давр бошланди. Бу эса, жамиятимизнинг барча соҳасида, жумладан, сиёsat, иқтисодиёт, ижтимоий-гуманитар йўналишлари ва албатта, илм-фандаги жадал ривожланишни талаб этаяпти. Чунки, илм-фан ҳамда ҳаёт ўртасида шундай узвий боғлиқлик мавжудки, агар у турмушимизга қанча кўп хизмат қилса, ҳаётимиз ҳам илм-фанинг бундан-да кўпроқ бойитади.

Президентимиз билдирган устувор вазифалардан шуни чуқур ҳис этиш, англаш мумкинки, илм-фан ва у билан муентазам шуғулланаётганлар давлатимизнинг доимо эътиборидадир. Олий таълим муассасалари олиб борилаётган тадқиқотлар тармоқ ва корхоналарнинг муайян эҳтиёжига йўналтирилаётгани комплекс вазифаларни ҳал этиш имконини бермоқда.

Жумладан, ишлаб чиқариш ва унинг талаблари эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш кенгаймоқда. Улар талабалик пайтидаёқ корхоналар буюртмасини бажаришда ҳамда илмий лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда. Бу, ўз навбатида, реал секторга ишлаб чиқариш технологияларини жадал модернизация қилиш ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон илм-фани бугунги кунда ўзгариб бораётган бозор талабларига жавоб берадиган, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган инновацион иқтисодиётнинг технологик базасини яратиш борасида улкан имкониятларни намоён этмоқда. Моҳиятига кўра, ноёб бўлган кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар, жумладан, инновация лойиҳаларни амалга оширилишини таъминлайдиган академик ва олий таълим муассасалари илм-фанинг ривожланган сектори фаолият кўрсатмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакат ва жамият ривожи илм-фан тараққиёти билан бевосита боғлиқ. Бу соҳани ривожлантиришга қаратилаётган эътибор замирида иқтисодиётимиз барқарор суръатларда ривожланишини таъминлаш, рақобатбардош, қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни жаҳон бозорига олиб чиқиш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада



яхшилаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, ёшларимизни етук, юксак билим ва маънавиятга эга мутахассис сифатида тайёрлаш, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги нуфузини ошириш сингари устувор вазифаларни амалга ошириш лозим.

Сўнгги йилларда аграр соҳаси худудларни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, соҳага халқаро таълим стандартлари ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилган ислоҳотлар ўқув-тарбиявий жараён сифатини ошириш, уни инновацион мазмун билан тўлдириш, талабаларда мустақил равишда янги билимларни эгаллаш кўникмасини шакллантиришга имкон яратди.

Шу билан бирга, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграцияси, кадрлар тайёрлашда аграр соҳа тармоқлари билан яқин ҳамкорликни кучайтириш, илмий-тадқиқот натижаларини тарғиб ва жорий қилиш тизимини тубдан такомиллаштиришни талаб этилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси ва тармоқларида малакали кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 августдаги ПҚ-4421-сон «Тошкент давлат аграр университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори [1] қабул қилинди ва ушбу қарорда Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида қишлоқ хўжалиги таълими ва илм-фанини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб қуидагилар белгиланди:

-қишлоқ хўжалигида инновацион ресурстежамкор технологияларни қўллаш, «ақлли қишлоқ хўжалиги» (Smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш;

-ўқув-лаборатория базасини модернизациялаш, фан дастурларида соҳа бўйича замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари, юқори унумли ва ресурстежамкор илғор технологиялар соҳасидаги билимларни шакллантиришга қаратилган вазифаларни акс эттириш;

-хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар, илмий ва илмий-педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва стажировкаларини ташкил этиш;

-илмий-тадқиқот институтлари, манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамкорлигига фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш ҳамда уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш;

-университет ва унинг филиаллари ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги тизимли муаммоларни



аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича «ахборот — маслаҳат маркази — кафедра — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси» тизимини жорий этиш;

-профессор-ўқитувчилар, илмий-тадқиқотчилар ва талабаларнинг инновацион технологияларни яратиш ҳамда жорий этиш борасидаги ташаббускорлиги ва моддий манфаатдорлигини ошириш;

-ўқув машғулотлари, малакавий амалиётларни ўтишда талабаларни инновацион ва янгича фикрлашга йўналтирадиган янги ўқитиш технологиялари ҳамда интерфаол услубларни, шу жумладан талабаларнинг мустақил изланишини таъминловчи механизмларни кенг жорий этиш;

-қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқлари учун кадрлар тайёрлашнинг узвий тизимини яратиш, бириктирилган академик лицей ва касб-хунар коллежлари таълим дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш.

Кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, хусусан соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган стратегиянинг мавжуд эмаслиги ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, соҳага инвестицияларни кенг жалб этишга, ишлаб чиқарувчиларнинг юқори даромад олишига ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, қулай агробизнес муҳитини ва юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, кооперация муносабатларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, соҳага бозор механизмларини, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПҚ-5853 сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони [2] тасдиқланди.

Стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишлари этиб:

-озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол рационини яхшилаш, талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари этиштиришни назарда тутувчи озиқ-овқат хавфсизлиги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;



-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;

-қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция капитали оқимини кўпайтиришни назарда тутувчи соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш механизмларини жорий қилиш;

-ер ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилона фойдаланишни назарда тутувчи табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш;

-қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви тузилмасини реструктуризация қилиш ва янада ривожлантиришни назарда тутувчи бошқарувнинг замонавий тизимларини ривожлантириш;

-фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори қўшилган қиймат яратишга қаратилган тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш орқали давлат харажатлари самарадорлигини ошириш ва босқичма-босқич қайта тақсимлаш;

-қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялашган билим ва маълумотларни тарқатишнинг самарали шаклларини қўллашни назарда тутувчи илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш;

-қишлоқ жойларини мувозанатли ва барқарор тараққий эттиришга кўмаклашишни назарда тутувчи қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш;

-замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатишнинг ишончли услубларини жорий этишни назарда тутувчи тармоқ статистикасининг шаффоғ тизимини яратиш вазифалари белгиланди.

Аграр соҳада илм-фан-ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, таълим жараёнига замонавий ахборот ва рақамли технологияларни жорий этиш, ҳудудларни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда илғор хорижий тажриба ва агротехнологиялар бўйича етарли билим ва малакаларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июльдаги ПҚ-4795 сон “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори [3] қабул қилинди.

Ушбу қарорда:



-агар таълимда бакалавриат таълим йўналишларида таълимнинг кредит-модуль тизимини босқичма-босқич жорий этиш. Бунда, таълимнинг кредит тизимида талабалар учун ҳафтада беш кунлик ўқиш ҳамда ҳафтанинг шанба кунини мустақил ўзлаштириш куни деб белгилаш;

-хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган қўшма таълим дастурларининг ўқув режалари ва фан дастурларини аграр соҳа олий таълим муассасалари томонидан хорижий ҳамкорлар билан келишилган ҳолда мустақил тасдиқлаш;

-қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳаси учун магистратура мутахассисликларида ўқиш муддатини 1 йил, илмий ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланувчи иқтидорли талабалар учун ўқиш муддатини 2 йил этиб белгилаш;

-қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида олий таълим муассасаларига соҳада 5 йиллик стажга эга бўлган ходимларни тавсиянома асосида ўқишга тавсия этилганда ўқиш муддатини сиртқи таълим шаклида 4 йил этиб белгилаш ҳамда тўлов-контракт миқдорини кундузги таълим йўналишидаги тўлов-контракт (стипендиясиз) миқдорига тенглаштириш;

-тажриба-синов тариқасида, Тошкент давлат аграр университетида бакалавриат таълим йўналишларининг сиртқи таълим шакли бўйича масофавий таълим олиш тизимини босқичма-босқич йўлга қўйиш;

-хорижий фуқаролар учун тўлов-контракт миқдорини, истисно тариқасида, икки баробарга камайтириш;

-бакалавриат йўналишида касбий таълим (йўналишлар бўйича) бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тўлақонли амалга ошириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига илмий асосланган ахборот, замонавий хизматларни кўрсатиш, ишлаб чиқаришга илм-фан ютуқлари ва инновацияларни кенг жорий этиш, таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ва агрохизматлар кўрсатиш тизимининг узвий интеграциясини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6159 сон «Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўрисида»ги Фармони қабул қилинди [4].

Фармон билан «Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини 2021-2025 йилларда устувор ривожлантириш концепцияси» тасдиқланди. Мазкур Концепциянинг асосий мақсади қишлоқ хўжалигида таълим, илм-фан, инновацион фаолият ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини янада чуқурлаштириш, янги билимларни яратиш ва қўллаш, ресурс тежайдиган инновацион технологиялар, илғор хорижий ва маҳаллий фан ютуқларини жорий



этиш, замонавий билим ва малакага эга мутахассисларни тайёрлаш ҳамда агрохизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантиришга йўналтирилган.

Концепция доирасида қишлоқ хўжалиги тармоқларида таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги субъектларига замонавий агрохизматлар кўрсатишнинг узвий тизимини ўзаро боғлайдиган Миллий марказ ва қишлоқ хўжалиги соҳасида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди ва Мувофиқлаштирувчи кенгашга:

-қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳамда унинг тармоқлари бўйича илмий изланишлар олиб бораётган ва кадрлар тайёрлаётган барча турдаги давлат илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

-қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини самарали ташкил этиш;

-қишлоқ хўжалиги соҳасидаги талаб ва илғор хорижий тажрибалар асосида олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларининг тизимили равища такомиллаштирилишини таъминлаш;

-қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг йиллик иш режасини ҳамда улар фаолияти самарадорлигини баҳолаш индикаторларини тасдиқлаш;

-қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишлаб чиқариш муаммоларига илм-фан орқали ечим топиш мақсадида соҳадаги илмий-тадқиқот муассасалари ва қишлоқ хўжалиги кластерлари ўртасида келишувлар тузиш амалиётини йўлга қўйилиши кўрсатилди.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш, илғор технологиялар, илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш, аграр соҳада билимларни тарқатиш ва инновацияларни жорий қилиш билан боғлиқ хизматларни ташкил қилиш борасида муайян чоратадбирлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда давлат буюртмаси бекор қилиниб, соҳада бозор тамойиллари ҳамда молиялаштиришнинг янги механизmlари жорий этилди. Хўжалик юритишнинг замонавий шакллари, жумладан кластер ва кооперациялар ташкил этилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, логистика тизимини кенгайтириш орқали қўшилган қиймат занжирини яратиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, агросаноат мажмуида стратегик тадқиқотлар ва прогнозлаш ишлари тизимили ташкил этилмаётганлиги сабабли соҳа ва унинг тармоқларида мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш асосида илмий асосланган



хулосаларга таянган ҳолда ривожлантириш истиқболларини белгилаш бўйича яхлит тизим яратилишига эришилмаган.

Натижада, қишлоқ хўжалигида таълим, илм-фан, инновацион фаолият ва ишлаб чиқаришнинг чуқур интеграциясини таъминлаш ҳамда ушбу тизимнинг самарали бошқарув бўғинларини шакллантириш зарурати пайдо бўлмоқда.

2021-2025 йилларда қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини устувор ривожлантириш концепцияси ушбу вазифаларни амалга оширишга хизмат қиласди.

Мазкур Концепциянинг асосий мақсади қишлоқ хўжалигида таълим, илм-фан, инновацион фаолият ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини янада чуқурлаштириш, янги билимларни яратиш ва қўллаш, ресурс тежайдиган инновацион технологиялар, илғор хорижий ва маҳаллий фан ютуқларини жорий этиш, замонавий билим ва малакага эга мутахассисларни тайёрлаш ҳамда агрохизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантиришга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармонида “кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва эксперталарни жалб қилиш...” таълим сифатини ошириш бўйича вазифалар белгиланган [5].

Республика халқ хўжалигининг асосий тармоқларидан ҳисобланган аграр сектори барча тармоқларнинг барқарор ривожланиши жамият, ҳаёт тарзининг ижтимоий-иктисодий жиҳатидан белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Шу боис мустақилликка эришган даврдан бошлаб қишлоқ хўжалиги ва ветеринария соҳаларига катта эътибор берилмоқда. Унинг ҳар томонлама ривожланиши учун мустаҳкам замин шаклланди, ташкилий, бошқарув ва ишлаб чиқаришни юритиш такомиллаштирилди.

Аграр соҳа фаолияти жаҳон ҳамжамияти доирасида ўз ўрнини эгалламоқда. Республика раҳбарияти томонидан босқичма-босқич амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлиги, уларнинг фундаментал ва амалий асослари юқори малакали илмий, илмий-педагогик кадрлар таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 августдаги ПҚ-4421-сон «Тошкент давлат аграр университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори. <https://lex.uz/docs/4477906>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПҚ-5853 сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг



2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони. <https://lex.uz/docs/4567334>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июльдаги ПҚ-4795 сон "Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори <https://lex.uz/docs/4923427>.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6159 сон «Қишлоқ хўжалигига билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар қўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5262596>.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида" ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>.